

№47
(1481)
2023-YIL
30-NOYABR



t.me/o'zbekistondasog'liqni saqlash

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда аллергия касалликларни профилактика қилиш, таъминлаш ва даволашнинг илгор усуллари татбиқ қилиш борасида манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, иқлим ўзгариши, глобал иситиш оқибатида гулчанги мавсумининг узайиши, экологик вазиятнинг ёмонлашиши ва бошқа омиллар таъсирида аллергия касалликларга чалиниш хавфи ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан «Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадрли учун» мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган аллергиялогик ва иммунологик тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, болалар ва катталар орасида аллергия ва иммунологик касалликларни эрта босқичларда аниқлаш ҳамда замонавий даволаш усуллари амалиётга татбиқ қилиш, ушбу касалликларга чалинган беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан таъминлаш, жойларда молекуляр аллергиялогия ва клиник иммунология йўналишидаги текширувларни йўлга қўйиш, кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аллергия касалликларнинг олдини олиш, аҳолига аллергиялогик ва иммунологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

тиббиётнинг бирламчи бўғинидан бошлаб аллергия касалликларнинг эпидемиологик кўрсаткичлари устидан назоратни кучайтириш ва манзилли скрининг текширувларини жорий этиш;

эҳтиёжманд аҳоли қатламларини зарур дори воситалари билан бепул таъминлаш тизимини йўлга қўйиш;

болалар ва ўсмирлар, ҳомилдорлар орасида аллергия ва иммунологик касалликларнинг ривожланиш сабабларини эрта аниқлаш ва уларни профилактика қилиш;

жойларда аллергия касалликларни юқори технологик таъминлаш ва даволаш амалиётлари турларини кенгайтириш ҳамда молекуляр таъминлаш усуллари жорий этиш;

соҳа мутахассисларининг аллергиялогия ва клиник иммунология йўналишида билимларини ошириш ва кўникмаларини ривожлантириш.

2. Аллергия ва иммунологик касалликларни эрта аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида:

а) 2024 йил 1 январдан бошлаб аллергия ва иммунологик касалликларга чалинган «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да бўлган беморларни ингаляцион глюкокортикостероид дори воситалари билан бепул таъминлаш тизими жорий этилсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2024 йилдан бошлаб:

аллергия касалликлар (шу жумладан мавсумий аллергия) кўрсаткичлари юқори ҳудудларда йилига камида бир марта оммавий ва селектив скрининг текширувларини ўтказиш;

аниқланган аллергия ва иккиламчи иммунитет танқислиги касалликлари мавжуд беморларни аллергиялоглар томонидан тизимли кузатуви ва индивидуал соғломлаштириш ишларини ташкиллаштириш;

ҳудудларда аллергиялогия ва клиник иммунология йўналишида юқори технологик таъминлаш ва даволаш амалиётлари турларини босқичма-босқич 10 турдан 20 тургача ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда эҳтиёжга кўра Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергиялогия марказининг ҳудудий бўлинималари лабораторияларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан аллергияген реагентлар билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджет параметрларини шакллантиришда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестрида» бўлган беморларни ингаляцион глюкокортикостероид дори воситалари ва уларнинг махсус сарфлов воситалари билан таъминлаш учун зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.

Давоми 2 – бетда»

ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ

ТИББИЁТ СОҲАСИ Йўналишларидаги Ўзаро ҳамкорлик келишувлари

Жорий йилнинг 27-29 ноябрь кунлари Минск шаҳри Беларусь-Ўзбекистон тиббиёт анжуманига мезбонлик қилди. Мазкур нуфузли анжуманда икки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш соҳаси масъуллари, етакчи тиббиёт марказлари, тиббиёт олий таълим муассасалари, йирик фармацевтика корхоналари раҳбарлари, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари вакиллари иштирок этди. Тадбир аввалида Беларусь Республикаси Бош вазири ўринбосари Игорь Петришенко, ушбу мамлакатнинг соғлиқни сақлаш вазири Дмитрий Пиневич сўзга чиқиб, иштирокчиларга қутлов сўзларини йўллади.

Анжуманда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ҳам сўзга чиқиб, икки мамлакат ўртасидаги тиббий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва ривожланиш истикболлари ҳақида сўз юритди. Таъкиланганидек, охириги йилларда икки давлат етакчиларининг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик барча соҳалар қатори тиббиёт йўналишида ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Юртимизда ўтказилган Ўзбекистон – Беларусь соғлиқни сақлаш ва тиббиёт таълими кунлари эса икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкам-

лашга хизмат қилди. Республика, вилоят, туман ва шаҳар тиббиёт муассасалари мутахассислари, тиббиёт олий таълим муассасалари ва жамоат саломатлиги техникумлари раҳбарларидан иборат мамлакатимиз делегациясининг Беларусга жавоб ташрифи эса икки томонлама алоқаларни сифат ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги босқичга олиб чиқишга катта туртки берди, дейди Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов. Юртдошларимиз ташрифининг иккинчи куни Минск шаҳрида жойлашган Н. Александров номидаги Республика онко-

логия ва тиббий радиология илмий-амалий маркази фаолияти билан танишувдан бошланди. Эътиборлиси, бу ерда умумий гипертремия, фотодинамик терапия каби дунёда муқобили бўлмаган ноёб даволаш усуллари қўлланилади. Марказда ўрнатилган замонавий диагностика асоб-ускуналари эса ҳатто энг оғир онкологик касалликларга ҳам тез ва аниқ ташхис қўйиш имконини бермоқда. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ва марказ раҳбарияти ўртасида ўтган мулоқот давомида таъкидланганидек, юртимизда ўтказилган Ўзбекистон-Беларусь тиббиёт ва таълим кунлари кўплаб йўналишлар қаторида онкология соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳам янада мустаҳкамлашда замин яратганлигини таъкидлади. Хусусан, акция доирасида мамлакатимизга Беларусдан бир гуруҳ юқори малакали онкологлар ташриф буюриб, маҳаллий шифокорлар билан ўзаро билим ва тажриба алмашди, ҳамкорликда мураккаб амалиётлар бажаришди.

Давоми 4 – бетда»



ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ЮРТИМИЗДА ИЛК БОР АЛЛОГЕН ГЕМОПОЭТИК ЎЗАК ҚУЖАЙРАЛАР ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ Йўлга қўйилди

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт марказида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишди.



Президентимизнинг 2021 йил 27 майдаги «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида алоҳида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази алоҳида муассасалар сифатида ташкил этилди.

Давоми 3 – бетда»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИАЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ
СИФАТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Давоми. Боши 5 – бетда

4. 2024 йил 1 январдан Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергия маркази 140 ўрин фондидан иборат бўлган Республика ихтисослаштирилган аллергия ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳри аҳолиси учун аллергия касалликлар бўйича ихтисослаштирилган ва шошилинч тиббий ёрдам Марказ томонидан кўрсатилади.

5. Қуйидагилар Марказнинг қўшимча вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

молекуляр аллергия ва клиник иммунология соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш асосида аллергия ҳамда иммунологик касалликларнинг олдини олиш, уларга молекуляр ташхис қўйиш ва даволаш;

аллергия касалликларни эрта аниқлаш, келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш мақсадида скрининг дастурларини йўлга қўйиш;

тиббиётнинг бирламчи бўғинида аллергия ва иккиламчи иммунитет танқислиги касалликларининг профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва бошқариш миллий дастурларини амалиётга жорий этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги «Аллергия касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-

3715-сон қарори асосида Халқаро молекуляр аллергия маркази (кейинги ўринларда — Халқаро марказ) ташкил этилганлиги ҳамда аллергия ўсимликлар гулчангининг аэробиологик мониторинг тизими республиканинг 9 та ҳудудида амалиётга жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Халқаро марказ ва Марказнинг аллергия касалликларнинг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида аллергия ўсимликлар гулчангининг аэробиологик мониторинг тизимини республиканинг барча ҳудудларида амалиётга жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

8. 2024 йилдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи тизим жорий қилинсин:

аллергия касалликлар келтириб чиқарувчи аэроаллергенлар таркиби ва мавсумий тарқалиш қўлаи ҳудудлар кесимида ўрганилиб, унинг натижалари Халқаро марказ томонидан Гидрометеорология хизмати агентлигига мунтазам тақдим этиб борилади;

Гидрометеорология хизмати агентлиги аэроаллергенлар таркиби ва мавсумий тарқалиш қўлаи тўғрисидаги маълумотлар атроф табиий муҳит ифлосланишига оид маълумотлар билан биргаликда тегишли веб-сайт ва бошқа манбалар орқали эълон қилиб борилишини таъминлайди.

9. 2023 –2025 йилларда республика аҳолисида аллергия оғир ҳолатида кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2024 йил 1 апрелга қадар Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда аллергия касалликка чалинган беморларнинг электрон реестрини яратиш, амалиётга татбиқ этсин;

б) 2024 йил 1 январга қадар Марказ устави, ташкилий тузилмаси ҳамда харажатлар сметасини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

Бунда, Марказда болалар аллергияси ва клиник иммунологияси, жонлантириш, болалар ва катталар тери аллергия касалликлари, клиник иммунология бўлимлари ҳамда ёрдамчи бўлимлар, консультатив-ташхислаш поликлиникаси, махсус молекуляр аллергия лабораториялар ва илмий-ўқув симуляцион бўлимлар ташкил қилиниши инobatга олинсин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарор талабларига мувофиқ тегишли ҳудудларда 2024-2025 йилларда аллергия ва иммунологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига кўриб чиқиш учун киритсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2024 йилдан бошлаб Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили ками-

да 10 нафар аллергиялог ва иммунолог мутахассисни нуфузли хорижий аллергия ва иммунология марказларида малака оширишга юбориш чораларини кўрсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5199-сон қарорига 2-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Соғлиқни сақлаш вазири А. Иноятов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 ноябрь.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИГА АЖРАТИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР ОШИРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
томонидан “2024 йил учун Ўзбекистон
Республикасининг Давлат бюджетини
тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Таъкидлаш жоиз, фракциямиз аъзолари томонидан ушбу қонун лойиҳасини кўриб чиқишда 2024 йил учун Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлар параметрлари бўйича алоҳида ёндашув билан ишлаб чиқилганлиги ва унинг янада такомиллаштирилганлигига эътибор қаратилди. Биз мазкур қонун лойиҳасини биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқиш жараёнида ўз сайловолди дастуримизда илгари сурилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда таҳлилий ёндашдик. Хусусан, сайловолди дастуримизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор мақсадимиз — аҳолига барча даражада (республика, вилоят, туман, қишлоқ) юқори технологияли, ихтисослаштирилган

ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини таъминлаш ҳамда касалланиш йўналишларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига илмий-тадқиқот фаолиятининг охириги ютуқларини фаол жорий қилиш асосий мақсад ва вазифа қилиб олинган. Шунингдек, дастуримизда тиббий хизмат устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш ва аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича таъсирчан қонунчилик механизмларини ишлаб чиқиб, амалда қўллаш чоралари белгилаб қўйилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, фракциямиз аъзолари юқорида келтириб ўтилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, қонун

лоийҳасини биринчи ўқишдаги муҳокама жараёнида илгари сурган қатор таклифлари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда такомиллаштирилиши жараёнида инobatга олинган. Бу депутатларимиз томонидан алоҳида эътироф этилди. Жумладан, Хукумат томонидан қонун лойиҳасида таркибида кўп миқдорда шакар ёки бошқа ширин таъм берувчи энергетик ичимликлар учун, ички ишлаб чиқариш ва импортига акциз солиғи миқдорини литрига 500 сўм қилиб белгиланган таклифи, депутатларимизнинг ушбу акциз солиғини ошириш лозимлиги бўйича берган таклифи асосида инobatга олинди, 2000 сўмга оширилиши назарда тутилмоқда. Бу эса вояга етмаганлар ўртасида ушбу маҳсулотнинг истеъмолини камайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, фракциямиз аъзолари томонидан биринчи ўқишда вирусли гепатитнинг “С” ва “В” турларини эрта ташхислаш ва вирусга қарши махсус даволаш

ишларини ташкил этиш харажатлари камайлганлигини, шу билан бирга йилига бир марта 40 ёшдан ошган беморларнинг қандли диабет ва диабет олди ҳолати скринингини ўтказиш харажатларига 2024 йилда маблағ ажратилмаганлиги ва буни қайта кўриб чиқиш юзасидан берилган таклифлари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инobatга олинди, ўз аксини топди. Хусусан, депутатлар томонидан берилган таклифлар натижасида вирусли гепатитнинг “С” ва “В” турларини эрта ташхислаш ва вирусга қарши махсус даволаш ишларини ташкил этиш учун 11,8 млрд. сўм, йилига бир марта 40 ёшдан ошган беморларнинг қандли диабет ва диабет олди ҳолати скринингини ўтказиш учун 14 млрд. сўм, яъни соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағлар 25,8 млрд. сўмга оширилди. Шу билан бирга, Президентимиз ташаббуси билан 2024 йилдан “Маҳалла бюджетини” тизими

тўлиқ жорий қилиниши, ҳар бир маҳаллада ўртача 100 млн. сўмга маблағ шаклланиши, бу борада депутатларимизнинг маҳалла тизимининг молиявий кўникмаларини ошириш лозимлиги бўйича берган таклифларига асосан иккинчи ўқишга киритилганда механизмлари ишлаб чиқиладиганлиги бўйича батафсил ахборот берилди.

Умуман олганда, 2024 йил учун бюджет тўғрисидаги қонун халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик назоратини кучайтириш учун асос бўлади.

Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ЮРТИМИЗДА ИЛК БОР АЛЛОГЕН ГЕМОПОЭТИК ЎЗАК ХУЖАЙРАЛАР ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ



◀Давоми. Боши 1 – бетда

Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт марказида ташкил қилинган юқори технологик молекуляр-генетика лаборатория молекуляр-генетик, цитогенетик, иммунофенотиплаш ва иммуногистохимик мураккаб текширувларни юқори даражада амалга оширувчи муассаса ҳисобланади.

Вазир ташриф чоғида марказнинг молекуляр-генетик лаборатория бўлимини кўздан кечирди. Айтиш жоизки, бу ерда бажариладиган таҳлилларни бир неча йил илгари Ўзбекистонда мутлақо ўтказиш имкони бўлмаган. Шунинг учун беморлардан олинган намуналар чет элга юборилиб, у ердан тегишли жавобларни кутиш-

га тўғри келар эди. Ҳозирда бу текширишлар марказнинг юқори малакали ходимлари томонидан тўлиқ бажарилмоқда.

АҚШ, Туркия ва Россия олимлари билан ҳамкорликда фаолият юритиб келаётган ушбу лаборатория ҳозир АҚШ стандартлари (ISO) асосида аккредитациядан ўтишга тайёргарлик кўрмоқда. Шундан сўнг мазкур бўлим Марказий Осиё мамлакатлари доирасида референс лабораторияга айланади ва бу Ўзбекистон тиббиёти учун муҳим воқеа бўлиши кутиляпти.

Вазир Амрилло Иноятов марказнинг клиник-диагностика лабораториясини кўздан кечирар экан, клиник лаборатория, вирусология, гемостаз, биокимё, иммунология ҳамда спинал мушак атрофияси ген-

ларини текширувчи лабораториялар ишини юксак баҳолади. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт марказида юртимизда илк бор Ўзак хужайралар трансплантацияси бўлими ишга туширилган бўлиб, вазирлик мутасаддилари унинг фаолиятини ҳам ўрганди. Ҳозирга қадар муассасада тиббиётимиз тарихида биринчи бор аллоген, яъни донордан олинган суяк қўмиги ўзак хужайралари трансплантацияси амалиётлари йўлга қўйилиб, 6 нафар



беморда шундай операциялар бажарилди. Бундан ташқари, марказ ходимлари томонидан аутологик, яъни беморнинг ўзидан олинган ўзак хужайралар трансплантацияси амалиётлари 94 нафар миелом ва лимфома касалликларига ча-



ларда аллоген ўзак хужайралар трансплантация амалиётларини ташкил қилиш учун ишлаб чиқилган тиббий дастурни тақдим қилди.

Юқори технологик даволаш усулларини ҳудудларда татбиқ қилиш мақсадида, вилоятлар миқёсида илк бор Самарқандда бажарилган аутологик ўзак хужайралар трансплантацияси эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятларида йўлга қўйиш ҳамда ушбу манзилларда молекуляр-генетик текширув лабораторияларини очиш режалаштирилган.

А. Иноятов бу бўйича масъулларга тегишли топшириқ ва кўрсатмаларни берди.

ОНКОЛОГИЯ МАРКАЗИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Соглиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов пойтахтимизда барпо этилаётган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг янги бирлашган комплекси билан танишди.



Саккиз қаватли мазкур бинодан 650 ўринли стационар, 100 ўринли кундузги стационар, 500 қатновга

мўлжалланган поликлиника, илмий тадқиқотлар учун виварий ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган референс



лаборатория жой олади. Ўз навбатида, бу ерда 17 та янги клиник бўлим фаолияти йўлга қўйилади. Жумладан, мамлакатимизда илк бор суяк қўмиги трансплантацияси бўлими очилади. 45 та реанимацион ва 16 та операцион хоналар энг сўнгги технологиялар билан таъминланади. Интенсив терапия бўлими юрак мониторлари, ўпкани сунъий шамоллатиш мосламалари ва бошқа замонавий асбоб ускуналар билан таъминланган консолли функционал ётоқларга эга

бўлади. Комплексида беморларни нур билан даволаш учун 9 та бункердан иборат радиотерапия арсенали билан бирга ядровий тиббиёт бўлими ишга туширилади. Бирида тўхталишлар юз берган тақдирда ҳам бошқалари унинг ўрнини тўлдириши натижасида даво муолажаси узлуксизлиги таъминланади. Шунингдек, марказда Позитрон эмиссион томография аппарати циклотрон билан ускуналар комплекси ўрнатилади. Ушбу ноёб ускуналар комплекси ёрдамида ўсма ка-

салликларни эрта босқичларда ва бошқа диагностик усул билан аниқланмаган метастазларни дастлабки даражасида аниқлаш имкони бўлади.

Вазир Амрилло Иноятов марказ биноси билан танишиш жараёнида лойиҳачилар, пудратчилар ва архитекторлар билан мулоқот қилди. Шунингдек, муассаса учун зарур жиҳозларни қисқа муддатда олиб келиб ўрнатиш юзасидан масъулларга тегишли топшириқлар берди.

@ssvuz

ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ

ТИББИЁТ СОҲАСИ Йўналишларидаги ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК КЕЛИШУВЛАРИ

«Давоми. Боши 1 – бетда

Учрашувда онкология соҳасида мутахассисларни ўқитиш, улар учун ушбу марказда стажировка ва малака ошириш курсларини ташкил этиш, биргаликда онкологик касалликларни даволашнинг янги усулларини жорий қилиш каби қатор йўналишларда ҳамкорлик истикболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, музокаралар давомида икки мамлакатнинг онкологик муассасалари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди. Ўз навбатида, беларуслик мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасбларидан айрим онкологик касалликларни робот технологияси ёрдамида даволашни ўрганишга қизиқиш билдирди.

ҲАМКОРЛИКДА ЮРТИМИЗ ҲУДУДЛАРИДА ТРАНСПЛАНТАЦИЯ АМАЛИЁТЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ташриф доирасидаги навбатдаги манзил Минск хирургия, трансплантация ва гематология илмий-амалий маркази бўлди. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ушбу тиббиёт муассасасининг фаолияти билан танишиб, марказ раҳбарияти билан учрашув ўтказди. Мулоқотда таъкидланганидек, 1976 йилда ташкил этилган ушбу кўп тар-

ни беради. Шунингдек, бу ерда Ходжкин лимфомасининг резистент шакллари ёки рецидивига чалинган беморларни гемопоэтик ўзак хужайраларининг тандем аутологик трансплантацияси асосида даволаш усули жорий этилган. Вазир ва марказ вакиллари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар давомида икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, ўзаро мутахассислар алмашинуви йўлга қўйиш, билим ва тажриба алмашиш, шу жумладан икки мамлакатнинг турли ҳудудларида жигар, буйрак трансплантацияси каби қўшма юқори технологик жарроҳлик амалиётларини бажариш бўйича қатор келишувларга эришилди.

Солижон МЎМИНОВ,
Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди:



мий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали ходимлари мазкур марказда малака оширишлари ҳамда маҳорат дарсларини ўтиш белгилаб олинди.


ФАН УЎҚЛАРИ САРИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Нодир ҲАЙДАРОВ, Тошкент давлат стоматология институти ректори:



– Икки мамлакат ўзаро тиббиёт соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида мазкур тиббиёт кунлари ташкил этилиб, Ўзбекистондан 200 дан ортқ тиббиёт ходимлари Беларуссия давлатига ташриф буюрди. Ташриф давомида Беларуссия давлатининг йирик шаҳарлари Минск, Гомел, Брест, Гродно ҳамда Витебскда жой-

лашган тиббиёт масканлари, институт ҳамда университетлар фаолияти билан яқиндан танишиб, ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда. Қолаверса, Беларуссия Республикаси кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти билан яқиндан танишиб, марказ директори профессор Наталя Павловна Митковская билан ҳамкорлик меморандумини имзоладик. Келгусида Республика ихтисослаштирилган кардиология ил-



қунида Витебск давлат тиббиёт университети фаолияти билан танишдик. Тошкент давлат стоматология институти делегацияси мазкур университет билан ҳамкорликда «Даволаш иши» йўналишида икки дипломлик дастур ташкил этилиш юзасидан музокаралар олиб бордик.

МАҚСАДЛИ КЕЛИШУВЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ



Ботир ИСАБЕКОВ, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари:

– Минск кўп тармоқли шифохона билан Тошкент шаҳридаги репродуктив саломатлик ва она ва бола саломатлигини яхшилаш амалиётига келишилди. Навбатдаги манзил эса Минск шаҳар 7 ва 2-клиник шифохоналари бўлди. Вакилларимиз ушбу тиббиёт муассасаларининг фаолияти билан яқиндан танишишди. Учрашувда таъкидланганидек, шаҳар 7-клиник шифохонаси 960 ўриндан иборат бўлиб, 1 500 дан ортқ малакали тиббиёт ходимлари юқори технологик, шошилиш ва режали тиббий ёрдам кўрсатар экан. Қолаверса, шифохоналарда она ва бола саломатлигини яхшилаш борасида кўплаб амалий ва ижобий ишлар амалга оширилиб, оилавий палаталар ташкил этилган. Минск шифохонала-

рида, репродуктив саломатлик борасида қатор инновацион иш усуллари ҳам йўлга қўйилган, бу эса ўз навбатида болалар ўлимини камайтириш имконини бериб келмоқда. Хусусан, ўзаро мутахассислар алмашинуви йўлга қўйиш, билим ва тажриба алмашиш, шу жумладан икки мамлакатнинг қатор шифохоналарида шу каби амалиётларни бажариш бўйича қатор келишувларга эришилди.

БИРЛАМЧИ Йўналишдаги ҲАМКОРЛИК

Азизбек НИЗАМОВ, Тошкент шаҳар Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:

– Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси делегацияси хизмат сафари билан Беларуссия Республикасига ташриф буюрди. Ташрифнинг иккинчи куни Минск шаҳридаги 39-поликлиника фаолияти билан танишувдан бошланди. Таъкидлаш

жоиз, поликлиника 40 минг аҳолига сифатли бирламчи тиббий хизмат кўрсатади. Эътиборлиси шундаки, бу ерда сурункали касалликларга эътибор, электрон поликлиника тизими тўғри йўлга қўйилгани, ёш тиббиёт ходимлари билан таъминланганлик, тиббий жиҳозлардан фойдаланиш, лаборатория бўлимини шифокорлар билан интеграция қилиш ишлари йўлга қўйилганлигидир. Учрашувда бирламчи тизим соҳасида мутахассисларни ўқитиш, улар учун ушбу поликлиникада стажировка ва қатор йўналишларда ҳамкорлик истикболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, музокаралар давомида икки мамлакатнинг бирламчи тиббий санитария ёрдамида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди.

1-ДЕКАБРЬ “БУТУНЖАҲОН ОИТСГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ КУНИ!”

ЎЗИНГИЗ, ОИЛАНГИЗ ВА ЯҚИНЛАРИНГИЗНИ УШБУ КАСАЛЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНГ!

Бутун дунёда миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётган, кўплаб оилаларнинг хотиржамлигини бузаётган ОИВ/ОИТС касаллиги ҳозирги кунда ҳам ўзининг салбий оқибатлари билан инсониятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. ОИВ инфекцияси турли ёшдаги аҳоли орасида айниқса, 20-49 ёшлилар ўртасида қайд этилиши ёшлар келажаги, соғлиги ва ҳаёти учун хавфли ҳисобланади.

Ушбу касалликка барҳам бериш мақсадида жорий йилнинг 25 ноябрь – 5 декабрь кунлари Республика миқёсида шу жумладан Тошкент вилоятида ҳам “Соғлом ҳаёт сари биргаликда!” шиори остида ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли тушунтириш-тарғибот тадбирлари ҳамда ОИВга таҳлиллар ўтказиш акциялари бўлиб ўтмоқда. Тадбирлар асосан одам гавжум жойларда яъни бозорларда, таълим муассасаларида, гўзаллик салонлари ва маҳаллаларда бўлиб ўтмоқда. Касаллик тўғрисида маълумот берадиган бўлсак, ОИВ инфекцияси – одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган сурункали юқумли касаллик ҳисобланиб, вирус бемор одам организмида бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади. Касалликнинг бошланғич яширин даврида вирусни юктириб олган шахслар кўринишидан соғлом бўлиб, уларда касалликнинг ҳеч қандай белгилари кузатилмаслиги мумкин. Касалликнинг шу даври анча хавфли ҳисобланиб, инфекцияни юктириб олган шахслар ўзлари билмаган ҳолда бошқаларга ҳам юктириши мумкин.

ОИВ инфекцияси билан зарарланган одамда вирус организмда кўпайиб, вақт ўтиши билан иммун тизимни издан

чиқаради ва натижада ОИТС ривожланади. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) – одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юктириб олиш натижасида касаллик белгилари келиб чиқадиган хасталикнинг сўнгги босқичидир. ОИВ инфекцияси асосан уч хил: ОИВ инфекцияси бор шахслар билан ҳимояланмаган жинсий алоқа қилганда – жинсий; гиёҳванд моддаларни бир неча шахс томонидан битта шприцда томир орқали қабул қилганда, зарарсизлантирилмаган (стерилланмаган) жарроҳлик, доялик, стоматологик, сартарошлик ва шунга ўхшаш одам терисини кесувчи, санчувчи асбоблар орқали муолажалар олганда, шприц ва игналардан умумий фойдаланилганда, инфекцияга чалинган ҳомиладор онадан болага ҳомиладорлик даврида жароҳатланган йўлдош орқали, бола туғилиши жараёнида туғруқ йўллари жароҳатланиши туфайли ва болани эмизиш жараёнида она сути орқали юқади. Одам вирусни юктириб олган дастлабки даврларда ўзини соғлом ҳис қилади. Инсон ёши, соғлиги, турмуш тарзига қараб бундай ҳолат 3,6 ой ёки бир неча йилгача давом этиши мумкин. Шундан сўнг касалликнинг дастлабки белгилари: сабабсиз узоқ давом этувчи

йўтал; одамнинг қисқа вақт ичида кескин озиб кетиши; ҳароратнинг узоқ вақт сабабсиз кўтарилиши ва ич кетиши (диарея); оғиз бўшлиғи ҳамда турли аъзоларнинг яллиғланиши; хавфли ўсмаларнинг ривожланиши намоён бўла бошлайди. Беморлар айнан ОИВнинг бевосита таъсиридан эмас, балки юқоридаги қўшимча касалликларнинг асоратлари туфайли ҳаётдан кўз юмиши мумкин. ОИВ юқишидан ҳимояланишнинг ишончли усули тартибсиз жинсий алоқадан сақланиш, оила, турмуш ўртоғига вафодор бўлиш ва умуман гиёҳванд моддаларни қабул қилмасликдир. Меҳнат мигрантлари, ниқоҳланувчилар, ҳомиладорлар эса яшаш ҳудуди бўйича поликлиникада ўз вақтида ОИВ инфекциясига қон топширишлари зарур бўлади. Ўзида ушбу касалликга шубҳа бўлган ҳолатлардавилоят ОИТСга қарши курашиш маркази ёки ҳудудий поликлиникаларда ишонч хоналарида шахси сир сақланган ҳолда маслаҳатлар олиши ва лаборатория текширишларидан бепул ўтиши мумкин. ОИВ инфекцияси қон сўрувчи ҳашаротлар чақиши орқали, умумий овқатланиш, чўмилиш, умумий ҳожатхона жойларида юкмайди. Бундан ташқари қўл бериб саломлашганда, ўпишиб сўрашганда, ёш болалар бирга ўйнаганда, йўталганда ҳаво-томчи орқали ва қўл телефонлари орқали ҳам юкмайди. Бугунги кунда ОИВ инфекцияси билан зарарланган шахсни вирусдан бутунлай ҳоли қилувчи дори воситалари мавжуд эмас. Бунга сабаб йиллар давомида вируснинг шакли ўзгариб боришидир. Дунёнинг кўплаб давлатларида ушбу инфекцияга қарши вакцина ва дори воситасини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бо-



